

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати 2026 йил январь-март

- I. Ялпи ички маҳсулот
- II. Саноат ишлаб чиқариши
- III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
- IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси
- V. Асосий капиталга инвестициялар
- VI. Бажарилган қурилиш ишлари
- VII. Чакана савдо товар айланмаси
- VIII. Ташқи савдо айланмаси
- IX. Кўрсатилган бозор хизматлари
- X. Корхона ва ташкилотлар сони



I. Ялпи ички маҳсулот

Дастлабки маълумотларга кўра, 2026 йилнинг январь-март ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **447 935,3** млрд сўмни ҳамда 2025 йилнинг мос даври билан таққослаганда реал ўсиш суръати **8,7 %** ни ташкил этди.

Саноат тармоғининг ўсиши **8,0 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **2,2** фоиз пунктни (ф.п.) ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиши **5,1 %** ни ва ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,4** ф.п.ни ташкил этди.

Қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши **15,0 %** ни ташкил этди. Қурилиш тармоғининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,9** ф.п.ни ташкил этди.

Хизматлар кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати **8,8 %** ни ташкил этди. Шундан савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар **15,5 %** га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа **14,4 %** га ҳамда бошқа хизмат соҳалари **4,4 %** га ўсди. Хизматлар кўрсатиш соҳасининг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **4,9** ф.п.ни ташкил қилди.

Маҳсулотларга соф солиқлар ҳажми **8,2 %** га ўсди ва унинг ЯИМ ўсишига ижобий ҳиссаси **0,3** ф.п.ни ташкил этди.



II. Саноат ишлаб чиқариши

2026 йилнинг январь-март ойларида республика корхоналари томонидан **289 254,4** млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва саноат ишлаб чиқариши индекси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **108,0 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши **85,1 %**, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноати **7,0 %**, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш **7,4 %**, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш **0,5 %** ни ташкил этди.

Саноат ишлаб чиқариши ўсишининг асосий омили бу ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **9,1 %** га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда **3,1 %** га, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш саноатида **4,1 %** га, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатида физик ҳажм индекси **8,5 %** га ошганлигидир.

Қайта ишлаш саноати ҳажмларининг ўсишига бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқаришнинг ўсиши (2025 йилнинг январь-март ойларига нисбатан **185,2 %**), ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўқиш учун

материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш (**175,5 %**) ва бошқа транспорт ускуналарини ишлаб чиқариш (**149,9 %**)нинг ўсиши таъсир кўрсатди.

Шу билан бирга, металлургия саноати корхоналарида (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **97,8 %**) ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайиши кузатилди.



III. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги

2026 йилнинг январь-март ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажми **63 384,3** млрд сўмни ёки 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **105,1 %** ни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачиликда, овчиликда ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – **59 780,7** млрд сўмни (**105,2 %**), ўрмон хўжалигида – **3 063,5** млрд сўмни (**104,3 %**), балиқчилик хўжалигида – **540,1** млрд сўмни (**106,1 %**) ташкил қилди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)лари ҳажмининг ошиши, асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмининг кўпайганлиги (**4,8 %**) билан боғлиқ. Барча тоифадаги хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ошиши сабзавотларнинг – **29,0 %** га, олинган сутнинг – **4,1 %** га, олинган тухумнинг – **5,7 %** га, қирқиб олинган жуннинг – **28,9 %** га ошиши билан изоҳланади.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг **81,6 %** и деҳқон ва томорқа хўжаликлари, **8,2 %** и фермер хўжаликлари, **10,2 %** и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи хўжаликлар ҳиссасига тўғри келишини кўрсатмоқда.



IV. Инфляция даражаси ва истеъмол нархлари индекси

2026 йилнинг январь-март ойларида республика истеъмол секторидаги инфляция даражаси **1,9 %** ни ташкил этди.

2026 йил январь-март ойларида озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўртача **3,0 %** га қимматлашиб, инфляция даражасига **1,22** ф.п. таъсир қилган бўлса, ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ушбу даврда **0,9 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткичнинг **0,3** ф.п. ўсиш суръатини, хизматлар эса **1,6 %** га қимматлашиб, умумий кўрсаткични кўшимча **0,41** ф.п. ўсиш суръатини таъминлади.

2025 йилнинг декабрига нисбатан ИНИ юқори чегараси **140,9 %** (“Суғурталаш ва молиявий хизматлар”), қуйи чегараси – **100,3 %** га (“Таълим соҳасидаги хизматлар”) етди.

2026 йил январь-март ойлари учун йиғма ИНИ ўсишига “Озиқ-овқат ва спиртсиз ичимликлар” бўлимидаги нархлар ўзгариши энг катта ҳисса қўшди (жами таъсирнинг **61,7 %**). “Турар жой хизматлари, сув, электр, газ ва бошқа ёнилғи турлари”, “Суғурталаш ва молиявий хизматлар”, “Маиший товарлар ва хизматлар, турли товарлар ва хизматлар” бўлиmlарида нархларнинг ўсиши ҳисобига йиғма ИНИнинг **0,11** ф.п.дан ошишига ҳисса қўшди.

Бошқа бўлимларда нархларнинг ўзгариши йиғма кўрсаткични яна **0,41** ф.п.га оширди.



V. Асосий капиталга инвестициялар

2026 йилнинг январь-март ойларида, барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга инвестициялар ҳажми **156 330,4** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **129,6 %** ни ташкил этди.

Шу билан бирга, асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар умумий ҳажмида корхоналар маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар улуши **13,1 %** ни, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **6,9 %**, тижорат

банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **2,7 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар – **68,8 %**, шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – **46,2 %**, аҳоли маблағлари – **5,6 %**, Республика бюджети – **2,5 %**, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **0,4 %** ни ташкил қилди.

Асосий капиталга инвестицияларнинг 2025 йилнинг мос даврига нисбатан юқори ўсиш суръатларини молиялаштиришнинг асосий манбалари: Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси – **284,0 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар (ТТХИ) – **160,4 %**, Ўзбекистон Республикаси кафолати остидаги хорижий кредитлар – **153,3 %**, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар – **133,9 %**, Республика бюджети – **118,6 %**, корхоналар маблағлари – **114,8 %**, аҳоли маблағлари – **110,3 %**, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлар – **105,8 %** дан иборат.

Молиялаштириш манбалари бўйича паст ўсиш суръатлари бошқа кафолатланмаган хорижий инвестиция ва кредитлар – **86,1 %** дан иборат.



VI. Бажарилган қурилиш ишлари

2026 йилнинг январь-март ойларида **63 954,7** млрд сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати **115,5 %** ни ташкил этди. Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг **15 956,4** млрд сўми ёки **24,9 %** йирик корхона ва ташкилотлар томонидан, **30 762,3** млрд сўми ёки **48,1 %** кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан, **17 236,0** млрд сўми ёки **27,0 %** норасмий сектор субъектлари томонидан бажарилди.



VII. Чакана савдо товар айланмаси

2026 йилнинг январь-март ойларида чакана савдо товар айланмаси **123 961,9** млрд сўми ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **25,4 %** га ўсди.

Йирик корхоналарнинг чакана савдо товар айланмаси 2025 йилнинг январь-март ойларида нисбатан **28,0 %** га ўсди, бу эса умумий савдо ҳажмининг **17,0 %** улушига тўғри келади. Кичик бизнес субъектларининг чакана товар айланмаси 2025 йилнинг январь-март ойларида нисбатан **22,3 %** га ўсган. Республика миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши **70,1 %** ни, уюлмаган савдо товар айланмаси **12,8 %** улуш билан **15 920,8** млрд сўми ташкил этди.



VIII. Ташқи савдо айланмаси

2026 йилнинг январь-март ойлари якуни билан республиканинг ташқи савдо айланмаси **18 023,0** млн АҚШ долларини ташкил этиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **471,0** млн АҚШ долларига ёки **2,7 %** га кўпайди. Экспорт ҳажми **5 809,2** млн АҚШ долларини ташкил этди, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **29,3 %** га камайди. Импорт **12 213,8** млн АҚШ долларига етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **30,8 %** га ошди.

Экспорт таркибида товарлар улуши **59,9 %** ни ташкил этди, шу жумладан саноат маҳсулотлари – **17,8 %**, кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар – **10,6 %**, озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар – **9,2 %**.

Импорт таркибида асосий улушни машиналар ва транспорт ускуналари (**33,8 %**), саноат товарлари (**13,9 %**), шунингдек кимёвий моддалар ва уларга ўхшаш маҳсулотлар (**12,0 %**) ташкил этди.



IX. Кўрсатилган бозор хизматлари

2026 йил январь–март ойларида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми **293 605,1** млрд сўми ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **16,1 %** га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига савдо соҳасида ишлаб чиқариш хизматларининг **19,4 %** га (кўрсатилган умумий бозор хизматлари ҳажмининг ўсишидаги таъсири – **4,9** ф.п.), молиявий хизматларнинг **22,4 %** га (ўсишдаги таъсири **3,4** ф.п.), транспорт хизматларининг **13,2 %** га (ўсишдаги таъсири **2,3** ф.п.), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг **8,6 %** га (ўсишдаги таъсири **1,4** ф.п.), шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг **17,0 %** га (ўсишдаги таъсири **1,3** ф.п.) ўсиши ижобий таъсир кўрсатди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг энг катта ҳажми савдо хизматлари (**75 051,2** млрд сўм, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати – **119,4 %**), транспорт хизматлари (**49 103,9** млрд сўм, ёки **113,2 %**), молиявий хизматлар (**46 796,4** млрд сўм, ёки **122,4 %**), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (**46 224,8** млрд сўм, ёки **108,6 %**)га тўғри келади.



X. Корхона ва ташкилотлар сони

2026 йил 1 апрель ҳолатига республикада фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони **487,1** мингтани (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) ташкил этди, улардан кичик корхона ва микрофирмалар **417,3** мингта. Худудлар бўйича жойлашган энг кўп сони Тошкент шаҳри (**109 719** та), Тошкент (**47 998** та), Самарқанд (**42 416** та), Фарғона (**38 600** та), Қашқадарё (**31 288** та), Бухоро (**29 738** та) ва Наманган (**27 644** та) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг энг кўп сони савдо соҳасида – **157 422** та, саноат соҳасида – **61 028** та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида – **37 402** та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида – **31 745** ҳамда қурилиш соҳасида – **31 411** тани ташкил этди.

2026 йил январь–март ойларида республикада **22,8** мингта корхоналар ва ташкилотлар янги ташкил этилди, шундан **22,4** мингтаси кичик корхона ва микрофирмалардир.

2026 йил 1 апрель ҳолатига кўра республикада чет эл инвестициялари иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналар сони **19 072** тани ташкил этди. Уларнинг **4 392** таси қўшма корхоналар ва **14 680** таси хорижий корхоналардан иборат.

Тайёрлаш учун масъул:
Статистика маълумотларини
мувофиқлаштириш ва тарқатиш
бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Контактлар: info@stat.uz
Тел.: +998 71 203-80-00 (1045)

